

“Imkon-Sug’urta”
акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг 2022 йил
5 майдаги 5 -сонли
баённомаси қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**«Imkon-sugurta» акциядорлик жамиятининг
Ички аудит хизмати тўғрисидаги
НИЗОМИ**

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА

1-модда. Умумий қоидалар ..	3
2-модда. Ички аудит мақсади	3
3-модда. Ички аудит хизмати ва вазифалари	4
4-модда. Ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар ва ички аудит хизмати таркиби.....	4
5-модда. Ички аудит хизматининг жамиятнинг бошқа таркибий бўлинмалари ва таъши наторат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги.....	5
6-модда. Ички аудиторларнинг ҳуқуқлари ва ваколатлари.....	5
7-модда. Ички аудиторларнинг мажбуриятлари	6
8-модда. Ички аудитни ўтказиш.....	7
9-модда. Ички аудитни хизматининг мустанкиллиги ва унинг фаолиятини наторат киши	9
10-модда. Ички аудиторларнинг жавабгарлиги	9

1-модда. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига ва “Imkon-Sug’urta” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ички аудит хизмати бевосита жамият кузатув кенгашига бўйсунадиган мустақил таркибий бўлинма ҳисобланади. Ички аудит хизмати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига, “Imkon-Sug’urta” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) Уставига ва ушбу Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади.

2-модда. ИЧКИ АУДИТ МАҚСАДИ

2.1. Жамиятнинг ички аудит хизмати — жамият бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва ҳолис таҳлил қилиш, баҳолаш, тавсиялар бериш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ақс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича жамият таркибий бўлинмасининг фаолиятини амалга оширади.

2.2. Ички аудит хизматиға қуйидаги вазифалар юклатилади:

- амалдаги қонунчиликка, жамият Уставига ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларға риоя этилишини таъминлаш;
- жамият кузатув кенгашини жамиятнинг ҳақиқий ҳолати ҳамда ўтказилган ички аудит натижаларига асосланган ички назорат тизими самарадорлиги тўғрисидаги ишончли ва мустақил ахборот билан таъминлаш ҳамда жамият фаолиятини такомиллаштиришға доир таклифларни тайёрлаш;
- белгиланган регламентлар ва қонунчилик талаблари, бошқарув органлари қарорлари ижросини танлаб текшириш;
- ички назорат тизимининг самарадорлиги ва мослигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва ички аудитни ўтказиш бўйича қабул қилинган таомилларнинг самарадорлигини таъминлаш;
- манфаатларнинг потенциал тўқнашуви соҳаларини аниқлаш;
- хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини таъминлаш;
- активларнинг ҳолатини ўрганиш ва сақланишини таъминлаш;
- тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини ўрганиш;
- корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини ўрганиш;
- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўрганиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда ақс эттирилишини таъминлаш, пухталиги, аниқлиги ва ишончлилигини кўриб чиқиш;
- солиқлар ва йигимлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

- жамият кузатув кенгаши талабларига мувофик махсус текширишларни ўтказиш ёки уни ўтказишда қўмаклашиш;

- жамиятни бошқариш юзасидан конунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш.

2.3. Ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун ички аудит хизмати жамиятнинг бошқаруви, филиаллари ва бўлимлари фаолиятида мунтазам режали текширишларни ўтказди.

Кузатув кенгаши томонидан жамият ихтисосидан келиб чиқиб конун ҳужжатларига мувофик текширишни ўтказишнинг бошқа йўналишлари белгиланиши мумкин.

3-модда. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Ички аудит хизмати қуйидаги вазифаларни бажаради:

- молиявий ҳисоботнинг жорий аудитини ўтказиш;
- бухгалтерия, амалий ва маъмурий назорат тизимларининг мослигини баҳолаш;

- жамият бошқаруви билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш;
- тузиладиган ҳўжалик шартномаларининг конун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

- бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий, суғурта, статистик ҳисоботларни тузишда жамиятнинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, суғурта, солиқ ва бошқа конун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

- жамият ходимларига ўз вазифаларини бажариш самарадорлиги бўйича тавсиялар бериш;

- жамият фаолиятини ташқи аудитга тайёрлаш.

3.2. Ички аудит хизматига қуйидаги вазифалар ҳам юклатилади:

- ички қоидалар, қўлланмалар, таомиллар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- ташқи аудиторларга ахборот алмашиш ва ташқи аудиторлар фаолиятига қўмаклашиш орқали ёрдам кўрсатиш;

- текширув материалларини умумлаштириш ва текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларни кузатув кенгаши ва жамият бошқарувига тақдим этиш;

- Кузатув кенгаши ва жамият бошқарувига текширувлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш тўғрисида таклифлар киритиш.

4-модда. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ТАРКИБИ

4.1. Ички аудит хизмати ходимларининг сопи ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлган миқдорда жамият кузатув кенгаши томонидан сертификацияланган икки нафардан кам бўлмаган ички аудитордан иборат этиб белгиланади.

4.2. Ички аудит хизматини бўлим бошлиғи мақомига эга бўлган хизмат бошлиғи (бош аудитор) бошқаради. Бош аудитор ички аудитор сертификатига эга бўлиши шарт.

Бош аудитор ҳар йили ички аудит хизмати харажатларининг йиллик сметасини тузади ва уни тасдиқлаш учун жамиятнинг кузатув кенгашига тақдим этади.

4.3. Бош аудитор ва хизматининг бошқа ходимлари жамият кузатув кенгаши қарори билан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

4.4. Ички аудит хизмати ходимларининг касб даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида мунтазамлилик асосида уларнинг малакасини ошириш воситасида сақланиши керак.

4.5. Ички аудит хизмати ходимлари жамият кузатув кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилади.

5-модда. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИ ВА ТАШҚИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

5.1. Ички аудит хизматининг жамиятнинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлиги:

- текширувдан олдин вақти-вақти билан мониторинг ва текширувни амалга оширувчи бошқарув тузилмаларидан аудит объекти ҳақида қўшимча маълумот олиш;
- департамент директорлари, юридик хизмат, бўлимлар ва жамиятнинг бошқа таркибий бўлинмалари билан ахборот ва фикр алмашиш;
- жамият бошқарувига аудиторлик текшируви натижаларини ва уларни бартараф этиш бўйича тавсияларни тақдим этиш.

5.2. Қонун ҳужжатларининг, суғурта шартномаларини тузишда регламент бузилганлиги ҳақидаги фактлар, шунингдек, жамият, акциядорлар, мижозларга зарар етказиш ҳолатлари ҳақидаги фактлар ҳақида маълумотга эга бўлган жамият ходимлари бевосита ўз раҳбари орқали ушбу фактларни Ички аудит хизматига етказишлари шарт.

5.3. Ички аудит хизмати ташқи аудитнинг ишини ташкил этиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш жараёнида фаол иштирок этади.

5.4. Ички аудиторлар ташқи аудиторлар билан яқинроқ ҳамкорлик жараёнида билимлар ва тегишли кўникмалар олиб боришлари зарур.

5.5. Ички аудит хизмати жамият кузатув кенгашига вақти-вақти билан жамият бошқаруви томонидан ташқи аудит, молия вазирлиги қошидаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар бажарилишининг ҳолати тўғрисида ахборот беради.

6-модда. ИЧКИ АУДИТОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

6.1. Бош аудитор барча маъмурий масалалар бўйича қарорларни жамият бошқаруви раиси билан бирга қабул қилади ва унинг ҳамда Кузатув кенгаши вакилларининг ёнига эркин ва мустақил кириш ҳуқуқига эга.

6.2. Ички аудит хизмати ходимлари жамиятнинг барча биноларига, жамиятнинг таркибий бўлинмаларига чекловсиз кириш, шунингдек, барча молиявий, бухгалтерия, статистик ҳисоботларини ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек суғурта портфелини, инвестиция портфелини, суғурта тўлови портфелини, регресс

портфелини, суғурта заҳираларини ва активларни чекловсиз ўрганиш имкониятига эга ва ўзига юкланган вазифаларни самарали бажариш учун ҳар қандай жамият ходимларидан бирига мурожаат қилишлари мумкин.

6.3. Ички аудит хизмати ўз вазифаларининг самарали бажарилишини таъминлаш учун ўзи текшириши ва баҳолаши зарур бўлган фаолият турларини амалга оширишда ёки бошқаришда иштирок этмаслиги керак. Унинг вазифаларига сифатли аудиторлар текширини ва баҳолаши керак бўлган таомилларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ҳужжатларни тайёрлаш ёки бошқа ишларни бажариш, шунингдек, ўзининг ҳолислик ва мустақиллик макomini бузилиши сифатида талқин қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлар кирмайди.

6.4. Ички аудит хизмати ходимлари текширувларни амалга оширишда қуйидаги ваколатларга эга:

- жамият бошқаруви ва ходимларидан жамият фаолиятига тааллуқли барча зарур ҳужжатларни ёки аудит предмети ҳисобланадиган барча ҳужжатларни талаб қилиш;

- ички аудиторлик текшируви ўтказилиши давомида жамият бошқаруви ва ходимларидан келиб чиқадиган масалалар юзасидан тушунтиришлар олиш. Агар эҳтиёж тугилса, ички аудит хизмати ходими ўзини қизиқтирувчи масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

- ички аудитни амалга ошириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларини (бошқарув раиси буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатларни) олиш;

- ички аудитни ўтказишга кўмаклашиш учун жамиятнинг тегишли мутахассисларини жалб этиш;

- керакли ҳужжатларнинг нусхаларини олиш;

- зарур ҳолларда, жамият томонидан белгиланган тартибда уларнинг кейинчалик сақланиши шубҳа уйғотаётган ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб қўйиш;

- ўтказилган аудиторлик текширувидан сўнг текширув давомида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш.

7-модда. ИЧКИ АУДИТОРЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ички аудит хизмати бошлиғининг вазифалари жамият бошқарувини аудиторлик текширувларида аниқланган муҳим камчиликлар ва бошқа муаммолар тўғрисида хабардор қилиш ҳамда уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар беришдан иборат.

7.2. Ички аудит хизмати ходимларининг мажбуриятлари жамиятнинг текширилаётган бўлинмасида аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларнинг моҳияти, сабаблари ва келиб чиқиш механизмини, жамиятга етказилган моддий зарар миқдори ва бошқа салбий оқибатларни, шунингдек йўл қўйилган қоидабузарликларга сабаб бўлган шарт-шароитларни ва бунда айбдор ходимларни ҳужжатларда белгилашни ўз ичига олади.

7.3. Ички аудит хизмати текширув ҳужжатларига барча аниқланган молиявий, ҳисоб-китоб ва ижро интизоми бузилишлари, суистеъмол қилиш, ҳисобга олиш ва ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш фактларини ҳолисона

киритишлари, камчиликлар ва бузилишларни ўз вақтида ва тўлиқ бартараф этилиши учун уларга принципиал баҳо беришлари шарт.

7.4. Ички аудит хизмати ходимлари текширувларни ўтказиш давомида жамиятнинг текширилаётган бўлинмалари раҳбарларига аниқланган жиддий қоидабузарликлар тўғрисида уларни зудлик билан бартараф этиш бўйича чоралар кўриш мақсадида тезкор хабар беришлари керак.

7.5. Агар бош аудиторнинг фикрига кўра, жамият бошқаруви органлари, филиал ва бўлинмалар бошликлари, ходимлар томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган деб ҳисобланган тақдирда, бош аудитор дарҳол бу ҳақида ёзма равишда жамият кузатув кенгашини хабардор қилиши шарт.

7.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳар чоракда ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради.

8-БОБ. ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ

8.1. Ички аудит фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

8.2. Ички аудит жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган аудиторлик текширувлари режасига мувофиқ ўтказилади. Аудит текширувлари режасини ва дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ижро этиш учун жавобгарлик ички аудит хизмати бошлиғига юкланади.

8.3. Аудиторлик текширувлари режаси ички аудит хизмати ишининг самарадорлиги ва мослигини таъминлаш учун жамият кузатув кенгаши томонидан тегишли йилнинг 1 январига қадар йилига камида бир марта қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши керак.

8.4. Жамият бўлинмаларида ички аудит йилига камида бир марта ўтказилади.

8.5. Муайян ҳолатларда, жамиятнинг айрим бўлинмаларида аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқаридан мутахассислар ёки маслаҳатчилар жалб қилиниши мумкин.

8.6. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича бевосита уни ўтказган ходимлар томонидан имзоланадиган тегишли ҳисоботлар тузилади. Бунда:

а) бизнес-режа бажарилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- унинг бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;

- унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни.

б) корпоратив бошқариш принципларига риоя қилишни текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- жамият бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги, унинг қатнашчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши таҳлили;

- корпоратив бошқариш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва жамият бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳоказолар);

в) жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

- аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи;

г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши ва тўланишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;

- солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда четга чиқишларни баён қилиш;

д) молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда жамият томонидан конун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг конун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;

- ички аудит давомида аниқланган жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг конун ҳужжатларига номувофиқлигини баён қилиш;

е) ички назоратнинг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;

- жамият таркибий бўлинмаларидаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни хатловдан ўтказишнинг асосланишини ҳамда уларнинг ҳаракати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Шунингдек ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда жамият ижро этувчи органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлар ва конунни бузишларни бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига оладиган якуний қисм бўлиши керак.

8.7. Ўтказилган текширишлар якунлари бўйича мазкур низомнинг 2.2 ва 8.6. бандларига мувофиқ ички аудит раҳбари томонидан имзоланадиган йигма ҳисобот тузилади.

8.8. Йигма ҳисобот таҳлилий қисм, якуний қисмдан ташкил топади ҳамда тасдиқлайдиган ҳужжатларни тўлиқ пакетини ўз ичига олиши керак.

8.9. Йигма ҳисоботнинг таҳлилий қисми ички аудит ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олиши керак.

8.10. Ҳисоботнинг якуний қисми жамиятнинг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳони, аниқланган четга чиқишлар ва конунни бузишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришга доир

умумлаштирилган таклифларни ўз ичига олиши керак.

8.11. Йигма ҳисобот ички аудит якунлангандан кейин 10 кун мобайнида тугалланиши зарур.

8.12. Йигма ҳисоботлар бевосита жамиятнинг кузатув кенгашига унинг кўриб чиқиши ва кейинчалик тасдиқлаши учун такдим этилиши керак. Ҳисоботлар нусхалари тасдиқлангандан кейин жамият бошқарувига такдим этилиши керак.

8.13. Жамиятнинг бошқаруви ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

8.14. Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, шунингдек умуман жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши керак.

9-боб. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

9.1. Ички аудит хизмати мустақил ҳисобланади ва бевосита жамият кузатув кенгашига бўйсунди.

9.2. Ички аудит хизмати ходимлари текшириладиган (аудитдан ўтаётган) хизмат ходимларидан мустақил бўлиши керак.

9.3. Жамият кузатув кенгаши раиси жамиятнинг ички аудит хизмати, бош аудитори ёки ходимларига нисбатан ҳар қандай босим ўтказишга уриниш ҳақида дарҳол хабардор қилиниши керак.

9.4. Ички аудит хизматининг мустақиллигини таъминлаш учун иш ҳақи, ижтимоий тўловлар, шунингдек, ички аудит хизмати ходимларининг ҳар қандай бошқа моддий рағбатлантирилиши жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.5. Ички аудит хизмати фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш бевосита жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг бош аудитори ҳар чоракда жамият кузатув кенгашига ички аудит хизматининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.

10-боб. ИЧКИ АУДИТОРЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Ички аудит хизмати:

- ўзлари ўтказган текширишлар натижалари бузиб кўрсатилганлиги;
- уларга такдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлган жамиятнинг сирини ташкил этадиган ахборотнинг махфийлигига риоя қилинмаганлиги;
- олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилиши таъминланиши учун жавоб берадилар.

10.2. Ички аудит хизмати аудиторлик текширишлари давомида аниқланган қонунни бузишларни бартараф этиш ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қўрилган чора-тадбирларга баҳо берилиши учун жавоб беради.

Бошқарув Раиси  А.Намозов